

(Лавони 3-бетла)

Дунёда табиий ва озиқ-овқат маҳсулотлари чеклангани ҳақидаги ахбороти жамоатчиликка етказиш мақсуи "ЭКС-ПО"нинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўйлайманки, бу нуктаи назардан бу ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича мамлакатингиз бошқаларга намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чунки бу ресурсларни қишлоқ ҳўҳалиғи ривожланишидағи бекиёс неъмат ҳисобланади.

Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотлар аграр ҳўҳалиғини чуқур диверсификациялашга, аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш ҳамда етиштириладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳажон бозорида юқори

(Даврон 2 бетга)

Эътироф

DEFENSE JOURNAL:

«ЎЗБЕКИСТОН МЎЪЖИЗАСИ»

Муаллиф кейинги йиллар давомида Ўзбекистон иқтисодий ўсишининг ҳаракатлантирувчи асоси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлайди. "Мустақиллик кўлга киритилгунга қадар кичик бизнес умуман бўлмаган республикада бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоизи иқтисодиётнинг шу жабҳаси ҳиссасига тўғри келмоқда".

Мақолада мамлакатимиз банк тизимининг замонавий ривожланишига алоҳида бўлим ажратилган. Маълум қилинганда, "Ўзбе-

кистонда изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ислохотлар натижасида банкларнинг капиталлашуви ва депозит базаси даражасининг юқори ўсиши, уларнинг барқарорлиги ва юқори рейтинг кўрсаткичлари ҳамда иқтисодиёт реал жабҳасини кредитлаш ҳажмларининг кенгайиши таъминланмоқда".

Кейинги йиллар давомида дунёнинг етакчи рейтинг агентликлари республика банк тизимини "барқарор" деб баҳолашга эришган ҳамда мақолада алоҳида таъкидланган. "Standard & Poor's" халқаро рейтинг агентлиги ҳисоботида қайд эти-

лишича, МДХ ҳудудидаги айрим мамлакатлар рейтинг кўрсаткичларида пайсиз кузатилаётгани шариоитида Ўзбекистон банк тизимининг ҳолати "барқарор", деб баҳоланди".

Мухтасар қилиб айтганда, мазкур мақола Покистон жамоатчилигини Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг салмоқли натижалари ҳамда мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳақидаги атрафлича маълумотлар билан яқиндан таништирган.

"Жаҳон" АА.

ЮРТИМИЗ ИТАЛИЯЛИК
МУТАХАССИСЛАР НИГОҲИДА

рақобатбардошлигига эришишга йўналтирилган. Шу нуқта назардан, узоқни мўлжаллаган ҳолда бу соҳани модернизациялаш йўлида амалга оширилаётган ишлар беҳад қувонарлидир.

Сальваторе Каччолла, "AQ International" компанияси директори:

– "Expo Milano – 2015" иқтисодиёт ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасида, шу жумладан, мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ва фермерлари ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш учун ҳам катта имкониятлар эшигини очиб берди.

Мустақил ривожланиш йиллари давомида Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳўжалиги тараққиёти ҳақидаги қатор материалларни ўқиганнимдан келиб чиққан

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳолда шуни қайд этишни истар эдимки, мамлакатда аграр жабҳа тармоқларини диверсификациялаш, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши ва инфратузилмалар қурилишини имтиёзли кредитлаш тизимини кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилгани киши қалбига ҳурмат туйғусини уйғотади.

1997 йилдан бошлаб Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги барқарор равишда 6-7 фоиз миқдорда ўсишнинг ижобий суръатларини намойён этаётгани менда катта таассурот қолдирди. Маълумки, кейинги йиллар давомида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши ҳажми 8 фоиздан зиёд ташкил этмоқда. Бундай иқтисодий ривожланишда қишлоқ ҳўжалиги алоҳида ўрин тутди.

"Жаҳон" АА.

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

«НУРОБОД»ДА УЙ ТЎЙИ



Оқил ҒУЛОМОВ (ЎЗА) олган сурат.

мажмуалари ва бошқа инфратузилма объеклари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Ангрэн шаҳри "Нуробод" кўрғонидан барпо этилган "Харбийлар шаҳарчаси" бунга мисол. "Истикбол таъмир" масъулияти чекланган жамия-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ти бунёдкорлари томонидан тез ва сифатли барпо этилган янги уйларда чегарачилар ва уларнинг оила аъзолари учун барча шароит яратилган. Болалар учун замонавий ўйин майдончаси қурилган.

– Янги уйга кирган заҳотим хоналарни зумда айланиб чиқдим, – дей-

ди Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари юртимиз сарҳадларини мардонда қўриқламоқда. Чегарада хизмат қилиш ўта масъулиятли вазифа саналади, дам олиш кунни ёки байрам деган тушунчалар бўлмайди. Чунки сарҳадлар ҳар қандай об-ҳаво шароитида, хоҳ қуруқлик, хоҳ сув ё ҳавода бўлсин, кеча-кундуз қўриқланади. Шу боис чегарачилар иродали, бурчга садоқатли бўлиб, юрт тинчлигини асраш йўлида азиз жонини қурбон қилишга ҳам тайёр туради. Сарҳадларимизни белгиланган қатъий танлов ва синовлардан муваффақиятли ўтган, жисмоний бақувват, иродали ва жасур ўғлонлар ҳимоя қилмоқда. Қуролли Кучларимиз сафида бошқаларга ибрат бўлаётган жасоратли ўғлонлар кўп. Улар орасида сержант Шерзод Бобомуродов ҳам бор.

2008 йилдан буён Ўзбе-

кистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари сафида хизмат қилаётган Шерзод Қашқадарё вилоятининг Яқкабоғ туманида туғилган. Болалигидан ҳарбий бўлиш орзусида ўсган Шерзод муддатли ҳарбий хизматда юрганида жисмоний ва жанговар тайёргарлиқни пухта ўзлаштирди.

– "Нуробод"да берилган янги уй Бобомуродовлар хонадонига ҳам бир олам қувонч бағишлади.

– Ўғлимни касб байрами билан табриклаш учун келгандим, – дейди сержантнинг отаси Жўра ака. – Қўшалоқ шодиёнинг устидан чиқиб қолдим. Янги уйнинг қўрқам қадду бастини, хоналарнинг кенг ва шинамлигини, келиним ва набирам учун барча шароит яратилганини кўриб, бошим осмонга етди. Инсон учун болалари иқболини, саодатини қўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Шу кунларга етказганига шукр!

Тадбирда санъаткорлар томонидан концерт намойиш этилди.

Бекзод ХИДОЯТОВ, ЎЗА мухбири.

Иқтисодиёт

МАҲАЛЛАДА
ЯНГИ ЎЙИНҒОҲ

Янгийўл тумани Кўшғоғ қишлоғида тадбиркор Бекзод Кўзиевнинг сазъ-ҳаракатлари билан ёшлар учун янги мини-стадион қурилиб, фойдаланишга топширилди.

– Маҳалламизда ўйингоҳ қуриш ташаббусимни ҳамқишлоқларим қўллаб-қувватлашди, – дейди тадбиркор. – Бу ерда нафақат ёшлар, балки каттаю кичик спорт билан шуғулланиши, футбол ўйнаш мумкин. Мухими, маҳалламиз ёшлари бўш вақтларини мароқли ўтказишди.

Янги ўйингоҳ қурилиши жараёнида тадбиркор бошчилигида яна бир хайрли ишга қўл урилиб, қишлоқ марказидаги хотира майдони қайта таъмирланди.

Юлдуз ИСАЕВА.

Бўка туманидаги "Олтиш" маҳалласида Висола Қосимова тўрт йилдирки, тикувчилик билан шуғулланади. Уйда кичик цех очиб, 4 хотин-қизни иш билан таъминлади. Бундан ташқари, 15 мактаб ўқувчиси ҳам шу касб сирларини ўргатмоқда.

Висола дизайнлари асосида тикилган кийим-кечак, тўй либослари, келин сарполари бежиримлиги, чиройлилиги билан буюртмачилар қўнайишига хизмат қилапти. Замонавий қўринишдаги пардалар эса келинлар уйини безамокда.

– Қиш мавсуми учун халатлар тикиш йўлга қўймоқчимиз, – дейди В. Қосимова. – Бунинг учун янги тикув машинаси олаётимиз. Шароитларимиз яхшиланиб бормоқда. Бизда ишлаш истагини билдираётганлар ҳам кўп.

Висола банкдан кредит олиб, фаолиятини кенгайтириш ва яна бир неча хотин-қизни иш билан таъминлашни мақсад қилган.

Нозима АРСЛОНОВА.

Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

КАСБГА САДОҚАТ



Пойтахтдаги "Ўзэкспомарказ"да қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг ХХ махсус халқаро кўргазма бўлиб ўтди.



ТАЖРИБА ВА АМАЛИЙ АЛОҚАЛАР МАЙДОНИ

"Expo position" масъулияти чекланган жамияти. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Фермерлар кенгаши ва Озиқ-овқат компаниялари уюшмаси ҳамкорликда ташкил этган кўргазмада 14 мамлакатдан 50 дан зиёд фирма ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Кўргазмада бизнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ранг-баранг маҳсулотлар ҳам намойиш қилинди.

Кенг кўламли ушбу кўргазмани ташкил этиш-

дан мақсад озиқ-овқат ҳамда қайта ишлаш соҳасига оид энг янги технологияларни иштирокчилар эътиборига ҳавола қилишдир. Шу билан бирга "Ўзэкспомарказ"нинг иккинчи павильонида ташкил этилган кўргазма илғор тажрибаларни ўртоқлаштириш, маҳаллий ҳамда хорижий шериклар билан амалий битимлар тузиш майдонидир.

Қибрай туманидаги "PLATINKA" масъулияти чекланган жамияти ҳам кўргазмада ўз маҳсулот-

ларини намойишга қўйди. Ушбу корхона сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари учун мўлжалланган пластик стаканлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган.

Занғиота туманидаги "SEEDXPERTS" масъулияти чекланган жамияти стендлари олдида ҳам мутахассислар гавжум бўлди. Ушбу компания кўп йилларда бўён сабзавот экинлари уруғлари, бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар, пиез, шунингдек, иссиқхоналар

учун юқори сифатли маҳсулотлар етказиб бериш билан шуғулланади.

Паркент туманидаги "ZAMONA RANO" очик акциядорлик жамияти ишлаб чиқараётган шифобахш фиточойларга мамлакат ичкарида ҳам, чет элларда ҳам талаб катта. Ўз хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқараётган ушбу корхона кўргазмада муваффақиятли иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Шундайлар бор бўлсин

Кўнғирок чалиниб, Бекобод туманидаги 53-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани хонаси ўқувчилар билан тўлди. Девоорга таниқли бадий сўз усталари, мамлакатимиз ва жаҳон адабиётининг етук намоёндалари

портретлари осилган. Бурчакдаги жавон бадий адабиётлар билан тўла. Хонанинг бундай жиҳозланиши ўқувчиларга ўзларини улар билан замондошдек ҳис қилишига озми-кўпми руҳий ёрдам беради.

МАЪНАВИЯТНИНГ
МОҲИР МЕЪМОРИ

Ўқитувчи Гулчехра Рискулова буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодида бағишлаб тайёрлаб келган махсус дарсини бошлади.

Устоз ўқувчиларига Алишер 28 ёшида ўз даврининг барча билимларини пухта ўзлаштирган, юртга танилган шоир ва тажрибали давлат арбоби даражасига етгани, кейинчалик "Улуғ Амир" унвонига эга бўлса-да, бу лавозимдан фақат эл-улус манфаати, юрт ободлиги, маданият равнақи, адолат тантанаси учун фойдалангани хусусида аниқ мисоллар ёрдамида атрафлича маълумот беради.

Мактаб директори Нодира Маъмурованинг айтишича, Гулчехра опа дарс ўтишда анъанавийликдан қочади. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор педагогик усуллардан фойдаланади. "Ақлий ҳўжум", "Блиц" ва "карточка орқали савол-жавоб олиб бориш" ҳамда "кластер" каби интерфаол методларни кенг қўллайди. Бу ўқувчиларнинг дарсда фаол иштирокини таъминлайди.

– Шу бундан дарслик қизгин баҳс-мунозаралар руҳида ўтади, ҳеч бир ўқувчи зерикиб қолмайди, – дейди директор. – Ундан таълим олаётган йигит-қизларнинг билим доираси кенглиги, зукколигини кўриб, ўқувчиларга ҳам, устозларига ҳам кўпчилик ҳавас қилади.

Инсон ўзига билдирилган ишончни оқлаш учун бор билим ва кучини ишга солса, кўзлаган мақсадига эришади. Гулчехра опа ўқиди, изланди. Қисқа фурсатда бу ўз самарасини бера бошлади. Илмий мақолалари матбуот нашрларида босилди. "Мухаммад Юсуф шеърини қасрига сафар", "Митти юлдуз иқболи", "Сўз туркумлари шарҳи", адабиёт ва тилшуносликка оид бошқа дарс ишланмалари

Тошкент вилоятидаги барча умумтаълим мактабларида оммалаштирилди.

Экспертларнинг фикрича, ҳар қандай мамлакатнинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни фуқароларининг маънавий етуқлиги, интеллектуал соҳияти билан ҳам белгиланади. Бу эса бевосита ўқитувчи ва мураббийлар зиммасидаги вазифа.

Гулчехра Рискулованинг меҳнати ўз раббатини топди. У 2014 йили Президентимиз Фармонига мувофиқ, ўқитувчи ва мураббийларнинг касб байрами арафасида "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

...9-а" синфда дарс давом этмоқда. Устоз уйда тайёрлаб келган кўргазмани материалларни ўқувчиларга тарқатди. Парталар орасидан бир-бир босиб, ўзбек халқининг улуғ мутафаккири Алишер Навоий ўзининг 60 йиллик умри давомида мислсиз ишлар қилишга улгургани, жаҳон адабиёти, маданияти, инсонлар бахт-саодати, халқ фаровонлиги, мамлакат ободонлигига улкан ҳисса қўшгани ва 1500-йилларга келиб, шоирнинг соғлиги заифлашиб қолган бўлса-да, ижоддан тўхтамагани, вафот этганида бутун Хирот аҳли ўзининг буюк шоири билан видолашишга чиқиб, 7 кун давомида мотам тутганини таъсирли қилиб сўзлаб берди.

Гулчехра опа синф тахтаси ёнига бориб, шоирларига "Саволинглар борми?" дегандай қаради.

Чекка қаторнинг охириги партасида ўтирган ўқувчилардан бири қўлини кўтарди ва ўрнидан туриб:

– Телевизор, газета ва журналларда Алишер Навоий жуда кўп тилга олинади. Уларда асосан Навоийнинг улкан қалб, шoir бўлгани, унинг ижодини ўрганиш бора-бора самарали ишлар

қилинган ва давом эттирилаётгани ҳақида маълумотлар берилади. Ахир у нафақат шоир, балки буюк маърифатпарвар, йирик давлат арбоби сифатида ҳам тарихда қолган-ку!..

Мактаб директори Нодира опанинг сўзлари ўз исботини топди. Синфда баҳс-мунозара авжига чиқди. Бунга иккинчи қаторнинг биринчи партасида ўтирган яна бир ўқувчи синфдошининг галани "тўғри" деб маъқуллагани сабаб бўлди.

Устоз шогирдига ўғирлиб, синовчан нигоҳ ташлади. Сўнг ундан Навоийнинг ҳомийлик борасида қилган ишлари хусусида гапириб беришини сўради.

– Шоир ўз ҳўзурига тез-тез ижод, илм ва санъат аҳлини чорлаб, маърифий суҳбатлар уюштирар, ёш истеъодларни тарбиялар, уларга ўқиб-излашни, ўз устида ишлаш учун муносиб шароит яратарди. Хондамир, Беҳзод, Восифий сингари ўнлаб қобилият эгалари шулар жумласидандир.

"У ўз даромади ҳисобидан кўплаб хайрли ишлар ҳам қилган. Тарихчи Хондамирнинг қайд этишича, Навоий ҳазратлари масжид, кўприк, мадраса, шифохона ва бошқа уч юздан зиёд муассасалар барпо эттирган. Бунинг ҳатто унинг ўзи ҳам "Вақфия" асарига таъкидлаган".

Бу қўшимчани биринчи партада ўтирган қиз айтди. Гулчехра опа унга ҳам худди аввалги ўқувчига қарагандек боқди. Лекин ортиқ савол бермади. Аксинча, иш столга бориб ўтирди. Бошини қуйи солди. Шу алфозда бироз турди-да, синфга қаради. Бирдан юзларига табассум югурди. Унинг чеҳрасида касбидан, қилаётган ишидан гурур ва мамнуний ифодаси зоҳир эди.

ЎЗА мухбири.

Истеъмолчи ҳуқуқи қонун ҳимоясида

«ҚАРЗИНИ» ТЎЛАДИ

Тонг саҳардан Асрор отанинг кайфияти бузилди. "Ҳали 500 минг, ҳали 200 минг қарзсиз, деб эшик қоқишгани-қоқишган. Газ таъминоти идорасига ўзим бормасам бўлмайди чоғи..."

Идорада Асрор отага ўшагандардан бир қанчаси навбат кутиб ўтирганди. Барининг дарди бир – газдан қарзи бор. Фигони фалакка чиққан Асрор ота: "Э, газчиларга гап тушунтириб бўлармиди" деганча, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятига йўл олди.

– Ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаган киши панд ейиши аниқ, – дейди Охангарон тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси Сарвар Сафаров. – Аввало аҳолига ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятлари нима-лардан иборат эканини тушунтириш мақсадида маҳаллалар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда уярушувлар уюштирамиз. Йил бошидан буён 11 та семинар ва давра суҳбатлари ташкил этдик. Унда аҳолини соҳага оид қонун ҳужжатлари билан таништирдик. Бу уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишга туртки бўлади.

Ҳақиқатдан ҳам, орамида ўз ҳуқуқини биладиганлар ҳам бор. Утган давр мобайнида Охангарон тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига жами 36 та ариза тушган бўлиб, уларнинг бари ижобий ҳал қилинган. Бу-

нинг натижасида жами 33 миллион 527 минг 829 сўм истеъмолчилар фойдасига ундириб берилди. Аризалар орасида газ ва электр тармоқларидаги нотўғри ҳисобланган қарадорлик бўйича шикоятлар кўп.

Сусам қишлоғида Н. Маматова Охангарон туман электр тармоғи корхонаси 521 минг 148 сўм жарима ундирмоқчи бўлгани учун жамиятга мурожаат қилди. Унинг аризаси тегишли тартибда қўриб чиқилди ва асоссиз жарима бекор қилинди. М. Иброҳимова мурожаатида эса "Сувоқова" корхонаси 253 минг 500 сўм қарадорлик ҳисоблагани айтилган. Бу фуқарога ҳам тегишли тартибда ёрдам кўрсатилди.

– Туманимиздаги дўконларнинг биридан кир ювиш машинаси сотиб оlingандим, – дейди Умида Жўраева. – Уйга келиб қарасам ишламаяпти, фойдаланишга яроқсиз экан. Тўғри истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўлимига бордим. Улар бу масалага ечим топдилар. Ҳозир кир ювиш машинаси яхши ишляпти.

Ирода НОРОБЕОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Партиялар ҳаёти

АЗИЗА ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Бугунги кунда "Истикбол" ёшлар канотига бирлашган йигит-қизлар нафақат ўқиш ва иш, балки юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиларига айланмоқда. Кўплаб лойиҳа ҳамда тадбирларни амал-

га ошириш ташаббуслари билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўтказиб келаётган "Ёш сиёсатчи" кўрик-танлови иштирокчилари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.



"Мен Ватаним равна-қига ҳисса қўишни хо-ҳлайман!" шиори остида ўтказилган бу йилги тан-ловда ҳам шаҳар, туман ва вилоят босқичларида 18 дан 30 ёшгача бўлган 18 минг ўғил-қиз фаол иштирок этди. Қувонар-ли жиҳати шундаки, маз-кур танловнинг республи-ка босқичида мутлақ ғолибликни Оқдўркон аг-росаноат ва тадбиркор-лик касб-хунар коллежи ўқувчиси Азиза Усмоно-ва қўлга киритди ҳамда биринчи даражали дипло-м ва эсдалик совғала-ри билан тақдирланди.

– Юртимизда ёшлар-ни ҳар томонлама кў-лаб-қувватлаш, эртанги

қилувчи кучи сифатида кўлаб-қувватлаш, улар-ни ижтимоий-сиёсий жа-раёнларнинг фаол ишти-рокчилари сифатида шакллантириш йўлида муҳим дастуриал амал бўлапти.

Мазкур кўрик-танлов ёшларимизга қонунчи-лик, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа со-ҳалардаги билимларини амалиётга татбиқ этиш орқали партия ғоялари, унинг дастурий мақсад-ларини ҳал этишда та-шаббус кўрсатишлари учун яна бир имконият бўлди.

Наргис ҲАСАНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Интеллектуал салоҳият

Олимларимизнинг фикри-ча, ўзига жалб қиладиган ем-ҳўрақлардан фойдаланиш ва самарали материаллар яра-тиш орқали зараркунддалар ва уларнинг уясини йўқ қилиш бу борада истиқбол-ли йўналиш ҳисобланади. Термитга қарши курашишда икки йўналиш мавжуд бўлиб, биринчиси зараркунддалар-ни йўқ қилиш, иккинчиси эса улар пайдо бўлишининг ол-дини олишдир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институтининг энтомология ва микология лабораторияси мутахассис-лари ушбу йўналишда фаол илмий изланиш олиб бор-моқда. Хусусан, улар тер-митга қарши курашиш учун аралаш, яъни таркибида кимёвий модда ва патоген-лар бўлган ем-ҳўрақдан фойдаланди. Олимларнинг фикрича, дозаси кам айрим кимёвий препаратлар тер-мит организмни заифлаш-тиради, холос. Бу уларга патоген бактерия ва замбу-руглар таъсир кўрсатишини қийинлаштиради. Шунинг айтиш кераки, термитоцид қўшимчалар жуда оз миқ-дорда, яъни бошқа инсек-тицидлар учун қабул қилин-ган нормадан бир неча юз баробар кам фойдаланил-ган. Мазкур услуб атроф-муҳит муҳофазатининг ас-рашга ёрдам беришдан таш-қари термитни ҳам аста-се-кин захарлайди. Бошқача айтганда, битта ишчи термит еган ёки олиб кетган овқат бошқа ишчи термитлар, нимфалар, солдат термитлар ва пировад натижада ли-чинкалар ҳамда балоғатга етган зараркунддаларга таъ-сир кўрсатади. Демак, бит-та термит аста-секин таъсир қилувчи захарли моддани

овқатни еса, кўплаб ҳаша-ротлар, энг муҳими, термит-ларнинг пайдо бўлишида асосий роль ўйнайдиган уя тубидаги зараркунддаларни ҳам захарлайди. Олимлари-миз кўлланган ва фақат тер-митлар учун мўлжалланган, таркибида касаллик кўзгатув-чи замбурғ ва бактериялар мавжуд биологик агентлар

ки унинг атрофидаги турар-жойларда ҳам қўлаш зарур. Термитга қарши ушбу захарли ем-ҳўрак учун ик-кита патент олинди.

Мустақиллик йилларида иқтисодий барқарорликка эришиш бўйича амалга оши-рилаётган чора-тадбирлар самарасида бу муаммони ҳал этишнинг илмий асосланган

хўрак Давлат реестрида рўйхатга олинган ва муво-фиқлик сертификатига эга. Бу ерда кунига 3 мингдан зиёд препаратли капсула ишлаб чиқарилади. Жойлар-даги дезинфекция станция-лари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, VIII Инновацион ғоялар, техно-логиялар ва лойиҳалар яр-

мига чидамиздир. Оқ ва сариқ ақадига, Зарафшон, қизил ҳамда виригн арчаси, қарағай, япон софорасига тер-мит зарар етказма экан.

Айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги тегишли қарори билан тасдиқланган 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-му-ҳит муҳофазаси бўйича ҳа-ракат дастурига мувофиқ, аҳоли пунктлари, маданий-тарихий обидлар, стратегик объектлар, ишлаб чиқариш ва бошқа бино ҳамда иншо-отларга катта зарар етказа-диган термитга қарши кура-шиш борасидаги ишлар да-вом эттирилмоқда.

Масалан, Ўсимлик ва ҳай-вонот олами генофонди институтининг энтомология ва микология лаборатория-сида термитга қарши ем-ҳўрақларнинг таъм берувчи таркиби тақомиллаштирил-моқда, термитнинг ўзини тутишига таъсир қилувчи феромонсини бирикмалар текширилмоқда, ҳашаротлар етилишини издан чиқаради-ган ўсим гормонлари тадқиқ этиляпти, термитни ўзига яқинлаштирмайдиган репел-лент ўсимликлар аниқланди. Бу, ўз навбатида, иншоот-лари билан ҳимоя қилиш бўйича профилактика асосларини яратиб имкониятларини кенгайтирмоқда.

Ушбу самарали илмий ишлар ва тадқиқотлардан қўлланган асосий мақсад – маълуматини иқтисодий ҳудуднинг мустақамлаш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга ҳисса қўиши-дан иборатдир.

Б. ХОЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти директори ўринбосари.
Ў.А.

ТЕРМИТГА ҚАРШИ ЯНГИ УСУЛ ВА ЁНДАШУВЛАР



усуллари ишлаб чиқилмоқ-да. Мазкур усулларни ҳаёт-га татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 февралдаги "Республикада термитларга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш ва уларнинг зарарини бартараф қилиш тўғрисида"ги қарорига муво-фиқ, Ўзбекистон Республи-каси Фанлар академияси-нинг Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти ҳузурида "Республика тер-митларга қарши курашиш маркази" давлат унитар кор-хонаси ташкил этилди.

Марказ томонидан тер-митга қарши ишлаб чиқила-диган меъёрий ҳужжат талаб-ларига жавоб берадиган маҳсулот – инсектицид-

маркасида марказнинг тер-митга қарши курашиш бўйи-ча маҳсулотларини етказиб бериш учун умумий қийма-ти 160 миллион сўмлик шартномалар тузилган.

Инсоният учун глобал бўлган ушбу муаммони ҳал этишга ёрдам берадиган мазкур экологик тоза маҳ-сулот хорижий мутахассис-ларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Термитга қарши курашиш нуктаи назаридан, қурилиш соҳасида зараркунддаларга чидамли ёғочдан фойдала-ниш муҳим. Шу боис 32 тур-даги дархатнинг тегишли ҳу-суниятлари ўрганиб чиқилди. Мазлум бўлишича, уй-жой қурилишида ишлатиладиган оқ тол, қора ва оқ терак, қай-рағоч, каштан ва чинор тер-

"REAL AUCTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар тақоран қўйилмоқда: I. Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани ИИБ ИХХББ жариима майдончасида сақланаётган: 28.03.2012 й 1-800-2012-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 2010 й и/ч., дав/рак: 100458DA бўлган, "Ма-тиз" русумли автортранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 344 000 сўм. II. Тошкент вилояти Ангрен шаҳар Суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар ИИБ жариима майдончасида сақланаётган: 1, 10.12.2010 й, 1049/10-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси – 5 335 125,54 сўм бўлган 1983 йилда и/ч., дав/рак: 11A8717, "Камаз 5320" русумли техник носоз; 2. 22.01.2013 й. 371/13-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси – 704 767,47 сўм бўлган 1984 йилда и/ч., дав/рак: 11V7739 "Москвич АЗЛК" русумли техник носоз; 3. 05.10.2012 й. 7559/12-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси – 1 278 188,85 сўм бўлган 1980 йилда и/ч., дав/рак: 10T297CA, "BA3-21011" русумли техник носоз; 4. 03.05.2011 й. 3946/11-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси – 280 219,28 сўм бўлган 1976 йилда и/ч., дав/рак: 11N9038, "M-412" русумли техник носоз; 5. 15.10.2012 й. 7983/12-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси – 999 377,91 сўм бўлган 1985 йилда и/ч., дав/рак: T8305TH, "UA3-4695" русумли; 6. 26.07.2012 й. 6184/12-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси – 2 006 176,02 сўм бўлган 1976 йилда и/ч., дав/рак: 11O9168, "UA3-4695" русумли техник носоз; 7. 06.10.2014 й. 11858/14-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси – 633 377,92 сўм бўлган 2000 йилда и/ч., дав/рак: 10U264HA "M 412 ИЗ" русумли техник носоз; 8. 19.02.2014 й. 1743/14-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси – 14 933 195,53 сўм бўлган 2008 йилда и/ч., дав/рак: 10O129AA "Матиз" русумли техник носоз; 9. 17.02.2014 й. 1645/14-сонли ижро ҳужжатига асосан: Шодиева Т. да сақланаётган: бошланғич баҳоси – 16 209 391,88 сўм бўлган, 2006 йилда и/ч., дав/рак: 10E235FA бўлган, "ГБА Нексия СПГ" русумли; 10. 2015 йил 14 апрелдаги 3962/15-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1972 йилда и/ч., дав/рак: 11W9623, бошланғич баҳоси – 1 620 000 сўм бўлган "BA3-2103" русумли техник носоз; 11. 2015 йил 15 майдаги 4365/15-сонли Ариза (бюрортма)сига асосан: бошлан-ғич баҳоси – 13 932 000 сўм бўлган, 2004 йилда и/ч., дав/рак: 10B588BA бўлган "Матиз" русумли техник носоз; 12. 2015 йил 12 майдаги 4365/15-сонли Ариза (бюрортма)сига асосан: бошланғич баҳоси – 9 465 460,42 сўм бўлган, 1996 йилда и/ч., дав/рак: 10Y058GA бўлган "Ba3-21060" русумли техник носоз автортран-спорт воситалари тақоран қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 20 октябр кунини соат 11:00 да ўтказилади. III. Тошкент вило-яти Бекобод тумани СИБ томонидан: 1. 5202-сонли ҳужжати-га асосан: Бекобод тумани "Ёшлик ХХСК" да сақланаётган: 1987 йилда и/ч., дав/рак: 11J9010, бошланғич баҳоси – 1 940 048,47 сўм бўлган "Исзу" русумли техник; 2. 16626-сонли ҳужжати-га асосан: Бекобод тумани "ИИБ ДАНБ" жариима майдончасида сақланаётган: 1986 йилда и/ч., дав/рак: 11S4437, бошланғич баҳоси – 4 940 807 сўм бўлган "BMV" русумли техник носоз; 3. 1265-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1978 йилда и/ч., дав/рак: 11F 824 DA, бошланғич баҳоси – 1 108 350 сўм бўлган "BA3-21011" русумли; 4. 1263-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1992 йилда и/ч., дав/рак: 11D8212, бошланғич баҳоси – 1 175 078 сўм бўлган "BA3-2102" русумли; 5. 16.04.2015 йилдаги 4104-сонли ижро ҳуж-жатига асосан: 1981 йилда и/ч., дав/рак: 10V040HA, бошланғич баҳоси – 1 023 000 сўм бўлган "BA3-2101" русумли техник носоз автортранспорт воситаси тақоран савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 21 октябр кунини соат 11:00 да ўтказилади. III. Тошкент вилояти Ўрта Чирчик тумани СИБ томонидан: 28.04.2014 йилдаги 11-1408/2295-сонли ижро ҳужжатига асосан: Ўрта Чир-чик тумани Корасув ҚФЙ манзилида сақланаётган: бошланғич баҳоси – 21 000 000 сўм бўлган 1 100 нао "Поддон" (туникасиз) савдога қўйилмоқда. IV. Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан: 22.09.2014 йилдаги 10-1420/12855-сонли ижро ҳуж-жатига асосан: Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Толариқ кўча-си, автозаминида устанонада сақланаётган: 2009 йилда и/ч., дав/рак: 01/583RAA, бошланғич баҳоси – 75 000 000 сўм бўлган "DONG FENG" русумли техник носоз автортранспорт воситаси савдога қўйилмоқда. VI. Тошкент вилояти Янгийул тумани СИБ томонидан: 04.03.2010 йилдаги 11-0928/20575-сонли ижро ҳуж-жатига асосан: Тошкент вилояти, Янгийул тумани, "Янгийул МТП" МЧЖда сақланаётган: 1998 йилда и/ч., дав/рак: 11AB11, бош-ланғич баҳоси – 18 590 300 сўм бўлган "Дамас" русумли техник носоз автортранспорт воситаси савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 4 ноябр кунини соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ари-заларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан, бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мум-кин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо таш-килотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва сана-сини кўрсатган ҳолда "REAL AUCTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Мировод филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аук-цион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел: 254-89-13.

Гувоҳнома № 006795.

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларида: I. Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан: 10163/24-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ, Мирзо Улуғбек кўчаси манзилида 1-уй жойлашган; "Турар жой" тақоран аукцион савдолари-га қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 962 661 898 сўм. II. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан: 27.12.2013 йилдаги 2-195/13-сонли ижро варақасига асосан: Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани, "Янги овул" ҚФЙ, ҳудудида жойлашган: қурилиш ости участка майдони 1195,11 кв.м., умий фойдаланиш майдони 468,26 кв.м. бўлган "Қўй кўра" бино-иншоотлари" тақ-оран аукцион савдоларида қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 172 158 469 сўм. Аук-цион савдоси 2015 йил 22 октябр кунини соат 12:00 да бошлаб ўтказилади. I. Тош-кент вилояти Янгийул тумани СИБ томони-дан: 01.10.2014 йилдаги 1-487/2014-сонли ижро варақасига асосан: Тошкент вилояти Янгийул тумани, А.Ортиқов ҚФЙ, 8/153-сонли уй манзилида жойлашган: умумий майдони 79,43 кв.м. бўлган "Дала ховли" аукцион савдоларида қўйилмоқда. Бошлан-ғич баҳоси – 54 699 520 сўм. II. Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан: 22.09.2014 йилдаги 10-1420/12855-сонли ижро варақасига асосан: Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани, Озодбек кўрғони, Б.У.У.

Озодбек Ширин олма боғи кўчаси 165-сон-ли уй манзилида жойлашган: умумий фой-даланиш майдони 166,0 кв.м. (Литер 0001-Дала ховли; Литер 0002-Ховуз; Литер 0003-Ховуз; Литер 0004-Шийон; Литер 0005-Хаммом; Литер 0006-Хожатхона;) бўлган "Дала ховли" аукцион савдоларида қўйил-моқда. Бошланғич баҳоси – 64 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 5 ноябр кунини соат 12:00 да бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан, бир кун олдин тўхтатила-ди. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан та-лабгорлар тегишли суд ижрочилари бўли-мининг вакилари иштирокида бевосита жой-ига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун та-лабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузи-ладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Мировод филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт, 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел: 254-89-13. Лицензия: RR-0148.

"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Бўстонлиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилоят Ҳўжалиқ судининг 29.09.2015 йл-даги 2721-сонли ижро варақасига асосан хатланган "Мар-ям – Текстиль" МЧЖ га қаралии жариима майдонда сақла-наётган автортранспорт воситалари тақоран қўйилмоқда. 1. "Дамас-ГБА-СПГ" русумли д/р 10 480 ХАА бўлган, 2013 йил и/ч. автортранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 23 434 200 сўм. 2. "Спарк" русумли д/р 10 674 УАА бўлган, 2014 йил и/ч. автортранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 22 781 700 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 19 октябр кунини соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача ту-лиқ). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддат: 2015 йил 16 октябр кунини соат 18:00. Автортранспорт воситалари билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган зака-лат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "RMM" АЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишоннома, чет-эл юридик ва жи-соний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқishi қонийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамчи-1 кўчаси, 1А-уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz

Гувоҳнома № 001580.

"КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Чилонзор ту-мани СИБ томонидан 20.10.2014 йилдаги 10-1416/14501-сонли ижро варақасига асосан; Бошланғич нархи – 465 315 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Д-20-А мавзеси, 8-уй, 130-131-хонадонда жойлашган, умумий майдони 137,0 кв.м.дан иборат "Офис биноси" қўйилмоқда: Аукцион савдолари 2015 йилнинг 5 ноябр кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич бахо-сининг 10% дан кам бўлмаган миқ-дорда закалат пулини "КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО" МЧЖ нинг АИТБ "Ипотекка банк" Шайхонтоқур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақа-мига тўлашлари шарт, МФО 00425,

Вилоятнинг барча туманларида филиаллар мавжуд.	
Вилоят обуна бўлими:	0-370-233-13-04
Ангрен шаҳар филиали:	+998946546638
Бекобод шаҳар филиали:	+998903508872
Бекобод туман филиали:	+998901674327
Бўстонлиқ туман филиали:	+998949308045
Зангиота туман филиали:	+998909764793
	+998951971964
Олмалиқ шаҳар филиали:	+998917883393
Оҳангарон туман филиали:	+998935082299
Ўрта Чирчик туман филиали:	0-370-76-21-476
Чиноз туман филиали:	0-370-59-31-331
	+998955159677
Чирчик шаҳар филиали:	0-370-71-64-617
	+998901259907
Юқори Чирчик туман филиали:	+998901684678
Пискент туман филиали:	+998936197733
Қибрай туман филиали:	+998936138316
Янгийул туман филиали:	0-370-60-22-034
	+998942152173
Паркент тумани филиали:	+998901684678
ОБУНАГА КЎМАҚЧИ – МАТБЎТ ТАРҚАТУВЧИ	
Гувоҳнома № 000690	

СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар бил-лан тегишли суд ижрочилари бўли-мининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9:30 дан 17:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун та-лабгорлардан ариза ва бошқа тегиш-ли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 17:00 да тўхтати-лади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефо-лар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039.

Савдодан олиш

"Кўп тармоқли кўчмас мулк сав-

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!!!

2015 йил 20 октябр кунини соат 12:00да бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган "Очик аукцион" савдосига ФИБ Ўрта Чирчик туманларо судининг 17.02.2015 йилдаги 871-сонли ижро варақ-сига асосан Ўрта Чирчик туман СИБ томонидан хатланган Ўрта Чирчик туман Корасув ҚФЙда жойлашган "Тоҳазаво" МЧЖ жариима майдончасида сақланаётган бошланғич баҳоси 41 771 000 сўм бўлган 2013 йилда и/ч. д/р 10744ЕАА, "COBALT LTZ" р-ли ав-на тақоран қўйилмоқда.

2015 йил 03 ноябр кунини соат 12:00да бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган тақорий "Очик аукцион" савдосига Тошкент вилояти, Юқори Чирчик тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги автортранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. ФИБ Тошкент вилояти Чирчик туманларо судининг 16.06.2015 йилдаги 1-4819/15-сонли ижро варақасига асосан АИТБ "Ипотекка-банк" Чирчик филиали ҳолисидида сақланаётган бошланғич баҳоси 24 000 000 сўм бўлган 1982 йилда и/ч. д/р 10E882DA, "КАМАЗ-5320" русумли контейнеро-воз; 2. ФИБ Тошкент вилояти Чирчик туманларо судининг 10.01.2014 йилдаги ижро варақасига асосан Юқори Чирчик тумани ИИБ ЙПҒга қарашли "Rustambek Avtotrans Invest" МЧЖда сақланаётган бошлан-ғич баҳоси 10 359 000 сўм бўлган 2000 йилда и/ч. д/р 10/731АВА, "Тико" русумли ав-на. Савдолар Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўча-си, 6-уйда жойлашган "Савдо ташкилотчиси"нинг аукцион залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдо-си голиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичиди мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади ва сав-додан бир кун олдин соат 12:00да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнаши

Спорт

ЧИРЧИҚДА ОГИР
АТЛЕТИКАЧИЛАР БАҲСИ

Чирчиқ олимпия заҳирала-ри коллежида огир атлетика бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган мусобақада терма жамоамиз устозлари яқинлашиб келаёт-


ган Жаҳон чемпионати учун спортчиларни яна бир карра синовдан ўтказиб олишди. Бу ҳақда Ўзбекистон огир атлетика федерациясининг матбуот хизмати хабар бермоқда.

даги Жаҳон чемпионати совриндори Мухаммад Бегалиев (85 кг.), II ўсмирлар Олимпия ўйинлари кумуш медали соҳиби Фарходбек Собиров (94 кг.)лар юкори кўрсаткичлар билан терма жамоа мураббийлари ишончини оқлашди.

Аёллар терма жамоамиз аъзолари, халқаро тоифадаги спорт устаслари Лола Қодирова (53 кг.), Марина Сисоева (58 кг.), Муаттар Набиева (63 кг.), Гўзал Наимова (69 кг.), Омадой Отақўзиева (75 кг.) ва Манзура Масолиева (+75 кг.)лар, табиийки, рақиб-дугоналарини сезиларли равишда ортда қолдиришди ва ғолиб бўлишди. Шунингдек, Жанигул Бердимуратова (48 кг.), Дурдона Эргашева (48 кг.), Бозоргул Рамбергенова (53 кг.) каби ёш спортчилар ҳам ўз чиқишлари билан мутахассислар эътирофига сазовор бўлишди.

Умумжамоа ҳисобида эркеклар ўртасида Тошкент вилояти, хотин-қизлар ўртасида эса Андижон вилояти жамоаси ғолиб бўлди.

"Туркистон-пресс".



Руслан Нуриддинов ва Иван Ефремовдан ташқари, барча етакчи атлетларимиз қатнашган беллашувада ўзига хос рақобат остида ўтди. Айниқса, энг огир вазндаги полвонларимизнинг медаллар учун кураши барчанинг диққат-эътиборида бўлди. Жумладан, эркеклар

баҳсларида ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати совриндори Рўзимурод Асланов (56 кг.), Осие биринчилиги совриндори Файзулло Набиев (77 кг.), Бутунжаҳон универсиадаси, Жаҳон чемпионати ва Осие ўйинлари совриндори Улуғбек Алимов (85 кг.), ёшлар ўртаси-

ДИҚҚАТ, КЎРИК-ТАНЛОВ:
«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КИТОБИ»

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги 2015 йил октябрь-ноябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб республика нашриётларининг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш, ноширлик маданияти ва нашриётларнинг ижодий салоҳиятини юксалтириш, соҳада эришилган ютуқларни кенг оммалаштириш, ноширлар, муҳаррирлар ва техник муҳаррирлар, мусаввирлар, рассом-дизайнерлар, матбаачиларни рағбатлантириш, аҳолининг барча қатлами, хусусан, ёшлар орасида китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида "Йилнинг энг яхши китоби" VII Республика кўрик-танлови куйидаги 7 та номинация бўйича ўтказилишини эълон қилади:

1. "Ижтимоий-сиёсий адабиёт";
 2. "Ватан тарихи";
 3. "Ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти";
 4. "Болалар ва ўсмирлар адабиёти";
 5. "Арт китоб";
 6. "Маънавий-маърифий адабиётлар";
 7. "Илмий-фундаментал асарлар, энциклопедик нашрлар".
- Танловга қўйилган нашрларнинг куйидаги жиҳатлари ҳисобга олинади:
- маъно-мазмун, илмий-маърифий жиҳатдан тайёрланиш даражаси;
 - таҳририй-ноширлик даражаси;
 - дизайннинг оригинал ечими ва бадиий ечимларнинг мазмунига, ўқувчилар доирасига ҳамда китоб мақсадларига мувофиқлиги;
 - матбаа ижросининг сифати;
 - нашрнинг оммабоплиги ва ижтимоий аҳамиятилиги.

Нашриётлар ушбу кўрик-танловда ҳар бир номинация бўйича бир неча номдаги китоб махсусотлари билан иштирок этишлари мумкин.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган нашрлар 2015 йилнинг 1 ноябригача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари ташкилий қўмита томонидан 2015 йил ноябрь ойида бўлиб ўтадиган "Ўзбекистон матбуоти" V Миллий кўргазмаси тадбирлари доирасида мукофотлаб, уларга махсус дипломлар тантанали равишда топширилади.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган китоблар бир нусхадан Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига юборилсин.

Манзил: Тошкент – 100129,

Навоий кўчаси, 30-уй.

Мурожаат учун телефонлар:

(0-371) 244-12-61, 244-31-85.

Ҳажвия

Ишдан қайтсам, кимдир уйимизга бир сават узум ташлаб кетибди. Ҳар узумларки, шингили янги келинчақнинг кўшузукли бармоғидек. "Ким келди?", десам келинчақнинг елка қисди:

– Сиз йўлнингизни билмиш, шовилганча қайт-ворди. Тузукроқ суришти-ролмадим. Иси Қосимбекми, Ҳошимбекми? Сизга қайта-қайта салом айтди-ку, шунақа танишингиз борми?

Тўғриси, эслолмадим. Таниган-билганларим, боз устига, эшигимга нарсаси кўтариб келиши мумкин бўлганлар орасида Қосимбек дегани ҳам, Ҳошимбек дегани ҳам йўқ. Бошқармага бошлиқ бўлганимдан бери бунақалар кўпайиб қолган.

Ҳай, майли. Буям шуларнинг биридир-да. Аммо лекин, ким бўлса ҳам узумнинг роса таъбиғига мосини танабди, азамат. Шундай қилиб, эгаси номаълум узум ҳайронлиги билан ейилиб кетди.

Уч кундан кейин, қандайдир зарур бир ҳужжат устида бош қотириб ўтирсам, минг нозу қарашма билан котибам Санамхон кириб келди. Чойни янгилаш учун чойнақни оларкан, сўради:

– Ҳайдаров қираман деярми, қирсинми?

– Ҳайдаровингиз ким?

– дедим қоғоздан бош кўтармай.

Санамхон тушунтирди:

– Моддий-техника таъминоти бўлимига янги келган механик йигит бор-ку, Ҳошимбек-чи?

Барибир танимадим. Лекин, "Ҳай, майли, қирсин", дедим.

Илгари кўрмаган эканман, механик йигит хушсурад, хушмуомалалиги экан. Қўли кўксидан, "ока-

хон" тилидан тушмайди, денг. Шу эдада Хонобод томонларга, янги ҳовли-жойга кўчибди. Шунга ихчамроқ "уй тўйи" қила-

ётган экан. Ўзингиз бош бўлиб, ишхонадагиларни олиб бординг, деб кирибди. Тавозесини кўриб, бир гап миямга урди: "И-я, узумини шу ташлаб кетган бўлсам, ҳали..."

Шунинг истихонасини қилдимми, ҳар қалай, бунақа жойларга боришга ҳарчанд хушим бўлмасам ҳам, ваъдани катта бериб юбордим.

– "МТБ"даги Ҳайдаров жамоани "уй тўйи"га чақирапти. Келаси шанба кунигача тўртга беш гилам олдириб, тахт қилиб қўйинг! Тушунарлими?

Ҳошимбек, афтидан, бундай муруватни кутмаган экан, тили тутулиб, қайта-қайта раҳмат айтганча чиқиб кетди.

Тушдан сўнг бош ҳисобчимиз ходимларга чорак якуни бўйича мукофот бериш тўғрисидаги буйруқ лойиҳасини олиб кирди.

Иловадаги рўйхатни синчилаб кўриб чиқдим. Бизда тартиб шунақа, меҳнат интизомини сурункали бузиб келганлар мукофотдан мосуво бўлади. Бундоқ қарасам, буйруқнинг "қўйидагиларга мукофот берилмасин", деган жойида "Ҳайдаров Х." деган ёзув ҳам турибди.

Тагига қалам билан чиздим-да, тепамда қаққайиб турган ҳисобчиға кўзойнагим устидан ажабланиб қарадим. У изоҳ берди:

– Ҳайдаров чоракда тўлиқ ишламаган. Иккинчидан, сабабсиз тўрт кун иш қолдирган экан...

Кимлигини билиб турган бўлсам ҳам атайин сўрадим:

– Ҳайдаровингиз ким эди, ўзи?

– Янги келган механик йигит, Ҳошимбек. Ўзи ёмон боламас-у, лекин мукофот масаласида кадрлар бўлими шундай хулоса берувди-да...

Бош ҳисобчининг "ўзи ёмон боламас-у" дегани-

тўқ ҳамкор ташкилотларимиздан бири касб байрамимиз муносабати билан идорамиздаги учта камхаржроқ ёш оилага ошхона мебоғлари тўплами ажратишга қарор қилган экан. Шунга тавсия беришмизани сўрашибди.

– Сиз кадрлар билан ишлайсиз, ахир. Ўзингизда бирор тақлиф бордир?

– деб ўсмончилиқим.

«КЕЛИНБАРМОҚ»



дан... гўё биров "келинбармоқ"нинг сувини сиқиб, лабимга томизгандек бўлди:

– Шу Ҳошимбек ҳалигина "уй тўйи"га тақлиф қилиб, олдимга қирувди, – дедим талмоқсиз.

– Янги рўзғор. Қурилиш қилишининг ўзи бўлмайди. Ёшларни қўллаш керак. Нима дедингиз?

– Э-э, бош ҳисобчи нима ҳам дерди. Қўлимдан қаламини олди-да, иккинчи рўйхатдаги "Ҳайдаров Х."ни доира билан белгилаб, биринчи рўйхатга тиркади.

Кечга яқин уйга қайтман деб турувдим, кадрлар бўлими бошлиғи Санобархон кириб қолди.

Унинг қўлида ҳам аллақандай қоғозлар. Ўзига

шугина гапидан яна хаёлим бузилди. Худдики, кўз олдимда, шoir эъга-нидек: "Офтоб машшотаси ток сочили нурдан тараб, зангининг бўйига шодаи маржонни илди..."

Бўлмасам, шу гапдан сал аввал лойиҳалар мониторингинг бўлимида ишлайдиган хов ану магистр йигитни тавсия қилмоққа оғиз жуфтлаб турувдим.

Орага "келинбармоқ" тушди-ю, магистр йигитнинг оти хаёлимдан учди-кетди!

– Ёш оила бўлиши шарт эканми? – дедим беҳтиёр тилим бу томонга айланиб. – Янги уйга қўнганлардан тавсия қил-сак-чи?

Санобархон елка қисди:

– Масалан?

– Масалан, Ҳошимбек.

Таъминот бўлимидаги механик йигит-чи? Ҳам ёш оила, ҳам бу йил уй қуриб, кўчиб кирибди, азамат. Келаси шанба янги уйига қайтиркан. Насиб қилса, биллашиб борамиз.

Тақлифим ҳар галгидек Санобар Маҳмудовнага маъқул келди. Қўлидаги хом-хатала рўйхатда яна бир ёзув пайдо бўлди: "Ҳайдаров Х."

Шундай қилиб, Ҳошимбекнинг "ҳовли тўйи" ҳам ўтди. Қўллашиб бордик. Таомилга кўра, янги уй хоналарини бирма-бир айланиб чиқдик. Ҳаммаси рисоладагидек. Айниқса, меҳмонхонага ёзилган бахмалдек товланувчи, икки кун аввал ишхонадаги йигитлар ташлаб кетган каттақон гилам роса ярашибди. Ошхона жиҳозларини айтмайсизми?

Шанба бўлгани учун, тўғри уйга қайтдим. Дарвозахонадаги ёғоч сўри-

мизда бир йигит ўтирган экан. Келинчақнинг ошхонадан чойнақ кўтариб келаяпти. Дастурхонда қишлоқда ёпиладиган барқашдек тўртта нон. Битта катта лағанда узум. Ҳов ўша, "келинбармоқ"дан.

Даданининг Паркентга тушган аммалари бор эди. Унинг Зевархон деган қизи бўларди. Илгари кўп келишарди, болалигимиз деярли бирга ўтган. Бу йигит ана шу Зевархоннинг ўғли, Қосимбек экан. Уни фақат болалигида кўргандим, табиийки, танимадим. Тоғда ўсган-да, аллпек йигит бўлибди.

– Мандатга келувдим, тоға, – деди Қосимбек салом-алик қилиб, "танишиб" олганимиздан кейин. – "Агрофак"га кирдим, бюджетга!

Астойдил хурсанд бўлдим. Табрикладим. Қосимбекнинг эса қувончи ичига сиғмай давом этди:

– Имтиҳонга келган куним, дуонингизни оламан десам, йўқ экансиз. Ўйдагилар кўпдан кўп салом этворишган, тоға...

– Ҳа, рост, – гапга қўшилди келинчағи. – Паркентдаги жияларингиз ҳақида ҳеч гапирмагандингиз, танимабман. Икки ҳафта олдин узум ташлаб кетган йигит шулар эди-да, Қосимжон дедим-ку!

Анграйиб қолдим. Дастурхондаги узум жимиллаб, кўзимни қамаштиргандек бўлди. Шу топда телефон жиринглаб қолмаганда, ҳайронман, нима дердим. Кўнгирикни баҳона қилиб, нари кетдим. Телефонда кадрлар бўлими бошлиғи Санобархон гапирарди:

– ... Касаба уюшмасидан тўртта йўлланма келган экан, Оқтошга. Биттасини янги келган механик йигит Ҳошимбекка расмийлаштирайми?

Ахмад ВАХОБОВ.

ҚУВНОҚЛАР
МАСКАНИДА

Болалар илк тарбияни оилада ва албатта, мактабгача таълим муассасасида олишади. Уларнинг қувноқ лаҳзалари, болалик шодликлари шу кутлуг масканда ўтади.

Ўрта Чирчиқ тумани "Тошлок" маҳалласидаги 10-мактабгача таълим муассасасида қувноқлар оламининг гувоҳи бўлиб, беғубор болалигимизни бир зум эсладик.

Таълим муассасаси энг намунали масканлардан ҳисобланади. Йил давомида муассасада "Мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган болалар учун қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этиш", "Гуруҳларда ривожлантирувчи муҳит" мавзуларида вилоят ва туман семинарлари бўлиб ўтди.

Анора КАРИМОВА.

Равшан Мирзакулов олган сурат.



НАРКОБАРОН

АҚШ ҲУКУМАТИГА ТОПШИРИЛДИ

Мексика ҳукумати 2010 йилдан буён Алтиплано қатъий тартибни турмада ётган наркобарон Эдгар Вальдесни АҚШ давлатига топширди.

Вальдес билан бирга ушбу турмадан яна 12 маҳбус, жумладан, наркокартеллардан бирининг етакчиси Эдуардо Кастилья Санчес ҳам Америкага жўнатилди. Вальдеснинг Куаутла шаҳридаги ранчосидан умумий қабр топилди, бу ерга ўн кишининг жасади қўйилган экан.

Алтиплано турмасида "Сина-лоа" наркокартели раҳбари Хоакин Гусман ҳам сақланаётган эди. У 1,5 километр узунликда махсус қазилган ер ости йўли орқали қочиб кетишга муваффақ бўлди. Бунга алоқадорликда гумон қилинган 13 киши, шу жумладан, мамлакат ахлоқ тузатиш муассасалари собиқ бош координатори Селина Осегера Парра ва шу турманнинг собиқ директори Валентин Кардинас Лерма ҳам бор.

БРИТАНИЯДА ИЖТИМОЙ СИНОВ

Британия сугурта компанияси одамларнинг ҳалоллигини синиб кўриш мақсадида кўчаларда ижтимоий таърибга ўтказди.

Бунинг учун iPhone русумли янги смартфон кўчага ташлаб қўйилди. Махсус тайинланган оператор эса ушбу текин совғага йўловчиларнинг муносабатини видеотасмага ола бошлади. Қузатишлар давомида йўловчилардан фақат бир киши смартфонни ўзлаштиришга уриниб кўрди. Қолган йўловчиларнинг кўпчилиги бу қимматбаҳо буюмни қонуний эгасига қайтаришмоқчи бўлдилар. Айримлар эса буюмга умуман эътибор бермадилар.

ЭНГ КЕКСА ҚОЧОҚ

Афғонистондан Германияга қочқоқлар сафида етиб келган Абдул Қодир Азизий 110 ёшда эканини таъкидлади, унинг қизи Салфема Азизий.

Ушбу чолини саккиз кишидан иборат оиласи билан Пассава шаҳри полицияси рўйхатга олди. Салфеманинг гапига қараганда, оила Германияга етиб келгунча, 6 минг километр йўл босган. 110 ёшли отаси ҳам қар, ҳам кўзи ожиз экан. Чолини оила аъзолари бўлган ёш эркеклар кўлма-қўл кўтариб келишган. Салфеманинг айтишича, Германияга қочишлари арафасида уч ака-укасини террорчилар ўлдиришган экан.

ФИЛИППИНДА КУЧЛИ ПОРТЛАШЛАР

Филиппиннинг турли минтақаларида юз берган иккита кучли портлаш оқибатида тўрт киши қурбон бўлди, яна 23 киши жабрланди.

Биринчи портлаш Филиппин жанубидаги Басилан оролида юз берди. Номаълум террорчилар Исабела шаҳри ҳокими ўринбосарининг иккита автомобилдан иборат қўриқчилар отрядини портлаб юборишди. Қурбонлар орасида ҳоким ўринбосари Абдулқоки Ажибоннинг урта тан соққиси ҳам бўлган яна 11 киши турли даражада жароҳат олди. Ҳоким ўринбосарининг ўзи эса жабр кўрмади. Гап шундаки, бомба Исабел шаҳри ҳокими Шервин Акбарнинг уйи ақинига жойлаштирилган эди. Шу муносабат билан ушбу икки сиёсатчида қайси бирига қарши суиқасд уюштиришга ҳаракат қилингани номаълумлигича қолапти.

КАШАНДАЛИК ҲАМЁНГА ЗАРАР

Париж шаҳрида янги жорий этилган тартибга мувофиқ, кимда-ким сигарет қолдиргани кўчага ташлаб кетса, 68 евро миқдоридagi жаримага тортилади.

Бундан ташқари, ҳукумат 15 мингга яқин ҳамён қулдонларини тарқатишни режалаштирмоқда. Негаки, ҳар йили Франция пойтахти кўчалари ва пиёдалар йўлакчаларида 350 мингдан зиёд сигарет қолдиқлари тўпланиб қолмоқда. Дарвоқе,

2006 йилда жамоат жойларига чекиш тақиқлангани муносабати билан кашандалар қаҳвахона ва барлардан кўчаларга чиқиб чекишни одат қилганидан сўнг Парижда сигарет қолдиқлари муаммоси юзага келди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

